

84
M29

МАРҲАБО

Осмонини бўшатиб қўйинг



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предъявленных
вкладышей

--	--

14
4-2017

1598

МАРХАБО

Донишманд
Душамуд куйиши

Шераф

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIG'I
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIG'I
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ТОШКЕНТ
«LESSON PRESS»
2017

УЎЖ: 821.512.133-1
КБК 84(5)У6
М 29

Тақризчи:
Сағъат Махмудова

Масъул муҳаррир:
Зухра Алиева

М 29
Мархабо, Каримова.
Осмониини бўшатиб кўйинг (шевърлар) / – Тошкент:
"LESSON PRESS", 2017. – 88 б.

УДК: 821.512.133-1
КБК 84(5)У6

Эслатма:

*Китобни кўчириб чоп этиши ёки шевърлари кўшиқ қилиши мувааллиф
руҳсати билан амалга оширилади.*

ISBN 978-9943-4666-2-3

© Мархабо Каримова, 2017
© "LESSON PRESS" нашриёти, 2017

Осмониини бўшатиб кўйинг

СИЗГА ИШКИЙ МАКТУБ БОР



Хўжайиним уйкудан
Турди, авзойи чагок.
Сўрасам, индамади,
Туш кўрдими ёмонрок?..

Айтмокчи эдим, афсус,
Рўзгоримиз камини.
Бундай пайтда чикариб
Бўларканми дамимни?!

Жаҳли чикади багтар
Кечга овкат килмасам.
Ё хат ёзиб, кўлига
Тутказсамми, билмасам?..

«Бу – камчилик рўйхати»,
Десам, аник, ўламан.
«Сизга ишкий мактуб бор,
Жоним», дея қоламан.

Хатни шундай бошладим:
«Салом, калбим Кувшин!
Кўли очик, мард, доно
Оиламизнинг боши.

Сиз – суянчим, Сиз – торғим,
Сиз – жонининг парчаси,
Бўшаб қолди, шункорим,
Рўзгоримиз халтаси.

«Аҳли аёлингизга

Келтирган ҳалол лўқма
Садақа бўлади», деб
Ёзилган бир ҳадисда.

Сиз-чи, барақа тошғур,
Канча жонни боқяписиз.
Ҳалол пул топиб, сарфлаб,
Тоғ-тоғ савоб оляписиз.

Бу савоблар олтинга
Айланади, албатта,
Сизга бир қаср бўлиб,
Қад кўтарсин жаннатда.

Аҳли аёл сиз учун
Аллоҳ берган омонат.
Улар деб, ҳар бир босган
Қадмингиз – ибодат.

Мана – рўйҳат: тўшт, туруч,
Ёғ, шакар, сабзи, пиёз.
Нўҳат, пишлок, қартошқа,
Ун ҳам оласиз бир оз.

Кўй гўшти нафис, енгил,
Суяги ҳам мазали.
Ёғсизгина жойидан
Оласиз-да, асалим.

Айтгандай, охирини
Едик бутун асални,
Ўзингиз айтасиз-ку
Асаг хайдар касални.

Шоколаднинг ўрнига
Қантлук ўрик оласиз.
Ёнгоқ, майиз, табиий
Нарса есин боламиз.

Яна меҳмон-измонга
Писта, мағиз, бодом йўқ,
Бозор қилишда сизга
Етадиган одам йўқ.

Ёғсиз қатик ҳам олинг,
Юзларимга суришга.
Юз ҳам овқат емаса,
Кеб қолади қуришга.

Қалам қошни тўқадди,
Ўсма ўстирар майин.
Қошимга ҳам сув керак,
Қайнонам айтгандайин.

Майли, унутсангиз ҳам
Ёзганларим ҳаммасин,
Ўсмам билан қатигим
Эсингиздан чиқмасин.

Пахта ўраб бир чўпга,
Тўнқариб пиёлани.
Ўтирибман олдимга
Кўйволлиб тошойнани.

Ахир, ўзингиз учун
Ясанам, қуламан,
Ўсманни унутсангиз
Аниқ, йинглаб бераман.



Унутмайсиз, албатга,
Сиз менинг йўту борим,
Харид учун олдиндан
Раҳмат сизга, шункорим.

Етжаза олмасангиз
Майлига оз бўлса ҳам.
Тинчлик, тўқлик, борини
Кўраверамиз баҳам.

Биз деб хар йўлга кирманг,
Кўнглингизни килинг тўқ.
Очлик бўлса чидармиз,
Дўзах ўтига-чи, йўк!

Сарф қилган ақчангизни
Аллоҳ ўзи ҳаммасин
Хар сўминни миллион, йўк
Миллард қилиб қайтарсин.

Сизни ўпиб қолувчи,
Ва севгучи умрбод.
Тантқиқина ёрингиз
Маликаи Турандлот».

Шомда қайтди хўжайин.
Ишонч билан ўзига,
Халта-халта нарсани,
Териб кўйди сўрига.

Катик билан ўсмани
Кўйиб шундоқ олдимга
Боғаларга билдирмай
Шипшиди қулоғимга:

«Биринчи бор умримда
Пул сарфлаб яйрадим,
Сизга ички кўйлак ҳам
Сотиб олдим, асалим».

Мана сизга сўз сеҳри,
Камлар битди минг шукр.
Аёлга ақл берган,
Ярагганга ташаккур.



ЛИБОС

Камтаргина яшайди
Маҳаллада бир кўшним,
Шукру, сабрли аёл
Ўртоғим тенгу тўшим

Гўзалликда бир кизи
Ўхшар эди ойларга.
Шу хусн сабаб, тақдир,
Келин бўлди бойларга

Менинг ичимда ташвиш:
Энди нима бўларкан?
Кудачлик, тўй-ийтин
Кандай ҳам тенг келаркан?

Кудادا бир издиҳом
Бўлса чикар югуриб,
Нима кийиб бораман?
Дейди, мени куйдириб,

Дер: «Чорсудан сотволган
Пўмбархитни кийими?
Ё устимга зангори
Адрасимни илайми?»

Чамалайман ичимда
Кудла ёкни кўрганман.
Бундайроқ бўлиб борса,
Кулишса-чи устидан?

Кўйлақларимдан бири
Тушар эди унга мос
«Меникни кийинг», деб
Кандай айтаман беҳос?

Дедим: «Кўйлақларингиз
Келиб қолган бир оз тор.
Жавонимни кўрайлик,
Сизга бир илтимос бор.

Мана бу Туркиядан
Келган кўйлақни кийинг.
Жа зерикиб турибди,
Битта «ўйнагиб» келинг.

Шу қоронғи жавонда
Туравериб сикилди.
Сиз бир кийиб чиксангиз
Дйраб кетади энди.

Бир туфлим ҳам зерикиб,
Турибди зўрға-зўрға.
Савоблар йнгиб келсин,
Бекор тургандан кўра.

Йнгиб-йнгиб хузурин
Тахта жавон кўрмасин.
Охират сўрок пайти
Шу ҳам ташвиш бўлмасин».

Кўшним кийди, ярашди!
Пўрим бўлиб кетди, вой!
Кўшнимни қулдирай деб
Кўйлагимга дедим: «Хой,



Борар жойинг там-тамлар,
Боралдиган нозик ер.
Хонимларнинг ичида,
Ўртоғимга савлаг бер.

Сени кийиб, кимтиниб,
Сижилмасин дугтонам
Уринтириб кўймай, деб
Қисинмасин дугтонам.

Юрса, турса, ўтирса
Кулай бўлиб турасан,
Зерикмайсан, ўзинг ҳам
Уни, буни кўрасан.

Туркияда тикилган
Ҳамноргларинг бор, таниш.
Тўйда хозир кийимлар
Қилинмоқда намойиш.

Хар либослар, Эмират,
Япондан келтирилган.
Дол қолдиради инглиз
Қироличасини ҳам.

Тўйхонада агарда
Подлум бўлганида бир
Хар меҳмон либосини
Кўрсатарди бирма-бир.

Хуллас, шундай жойларда
Кўшнимга бўлгин ҳамроҳ.
Иккингиэни ҳам ёмон
Кўздан асрасин Оллоҳ».

Нокулай вазиятта
Тушмасин кўшним, дея
Ҳазил-хузул аралаш
Шу гапларни топдим-да.

Кўшним кўйлақ, туфлини
Кийиб мени алқади
Энг муҳими, дилдидан
Хижолати тарқади.

Мархабо, хар либосни
Кийганда янғисини.
Тўшаб, кўпайтирмасдан
Эхсон қил эҳкисини.



КЕНГУРУ

Телевизор кўриб, дедим:
– Вой, кенгуру, дадаси,
Халтасини қаранг, бу ҳам
Аллохнинг мўъжизаси.

Хўжиздай бўла туриб,
Вой, анов боласини,
Халтасига тушволиб,
Эмапти онасини.

Малол олмас онаси,
Барибир, боласи-да
Қачонгча яшаркан,
Онасин халтасида?!
Эмапти онасини.

Бу туришда қачон у,
Улғайиб, уйланади?
Бир хунарнинг бошини
Тутмаса кийналади.

Эри деди: – Койима,
Маза-маза шуларга,
Ўғил уйлаш, киз бериш,
Ташвиш эмас буларга.

Кенг майдон тўла емиш
Тахлил қилмас овчилар,
Тўй, бешик деб чопмайди,
Шартмас, хатто совчилар.

Халтаси бу боладон
Ҳам ролдом, ҳам ошхона
Она бағрига Аллох
Бино қилган бошпана.

Дедим: – Қийин эмасми
Уни кўтариб юриш?
Эрим деди: – Бизга-чи
Осонми бир уй қуриш?

Яна тўлдир ичинни,
Бунча бўлсин хонаси,
Ўзи асли кенгуру –
Сен билан мен, онаси.

Боламизни халтадан
Тушишга кўймаймиз,
Юрт айланиб, нон топиб,
Юришга кўймаймиз.

Бир иш бошин ушламай,
Уйлаволиб келинга.
Энди олгасини ҳам,
Боқамиз кўшиб бирга.

Ёшлик қилиб кўймасин,
Хали акли қалта-да,
Ўттиз бешга кирса ҳам,
Об юрамиз халтада.

Шарт ишлашга кетворса,
Агар узок ерларга.
Уч-тўрт боласининг ҳам
Фам-ташвиши бизларга.

Яна шу халтамызда
Ташиймиз ёғу гуруч,
Гох дўхтирга югур, чоп.
Гох боғчага сакра, уч.

Иккимиз бир дам олсак,
Деган эдим, Ялтада,
Кандай борамиз, келин,
Набиралар халтада?

Дедим: – Дадаси токай
Ташиймиз ёғ-унини?
Болагарин ҳам олиб,
Ўзи кўрсин кунини

Делики: – Хой, болагар!
Халтамыздан тушинглар.
«Такдир» деган онанинг
Халтасига киринглар.

Халтамызни бӯшатиб,
Тозалаб ювиб кўйдим.
Хиди куши кетсин, деб,
Офтобга игиб кўйдим.

Болагар хайрон, хафа,
Дейшар: – Бу нимаси?
Бола билан юрмасми
Оналарнинг халтаси?

Дедим: – Қариб қолдик биз
Халтамыз ҳам тешилди.
Ўғил-қиз савдосидан
Дарду касал кўшилди.

Бӯшатмасдан ишлатиб,
Халтани ҳам эзвордик.
Бола, келин, набира
Ташиб, дунё кезвордик.

Ўз боламызни солиб,
Олийгохта сакрадик.
Набирани солволиб
Боғчага чопдик дик-дик.

Нафакага чикиб ҳам,
Ота қул, она – чўри.
Факаг ўзимиз учун,
Яшаймиз энди, бўлди!

Энди халтада китоб,
Бир кўзойнак – боримиз,
Бир тахланган жойнамоз,
Ва бир халта доримиз.

Биз ёмон бўлган бўлсак,
Яхшисини топовлинг,
Хуллас, энди қарор шу:
Тутдингизми, боқволлинг!



ЮРТ ВА АЁЛ ҲАҚИДА БИГИК

Турсунойим, турк ойим,
Анджонга кўрк ойим,
Ориятдан кўйлагти,
Андлишаси бўрк ойим.

Туғилсангиз аввалроқ,
Юртни фитна босмасди,
Турк акани, турк ука,
Ўлдирмасди, осмасди.
Бир мардона гап бўлса,
Жоҳиллик авж олмасди,
Анджондан бош олиб,
Бобур кетиб қолмасди,
Турсунойим, турк ойим.

Туркнинг икки ўғлони
Қолса шохлик талашиб,
Эл кўнглида ғам-алам,
Кетса сўлиб, қалашиб,
«Хай-хай, уят!», десангиз,
Кетардилар ярашиб,
Ёвлар буюк Туронни
Ололмасди бўлашиб,
Турсунойим, турк ойим.

Фақат ширин тил ила
Ҳар можаро бўлиб хал.
Жаҳлдан олдин уят,
Андлишага берсақ гал.
Турк дунёга тарикдай
Сочилмасди ҳеч маҳал,
Анджоннинг ўзига
Қуриларди Тожмахал,
Турсунойим, турк ойим.

Ахиллик бўлгач, Турон
Бўлар эди, тинч, обод,
Пошшою фуқаро,
Яшар эди хур, озо.
Тушларга ҳам кирмасди,
«Афгон», «Ўзган», қону дод,
Қайда эди бизларга,
Етмиш йиллик истибод,
Турсунойим, турк ойим?!

Сўзласангиз «анжанча»
Очлар тўйиб қоларди,
Тошдай қаттиқ дийдалар
Мумдай ийиб қоларди,
Доно қиз Турсунойини,
Шоҳлар суйиб қоларди,
Қамтарин, қамтап меъмор
Почам куйиб қоларди,
Турсунойим, турк ойим.

Шукур, истиқлол куёш
Қаби нур сочди зарҳал.
Улғларнинг кўлида,
Иймон, эътиқод машъал,
Поклаб, қурмок, яратмок,
Бошланиб кетди жадал,

Бухорий раъзасининг,
Олдида не, Тожмахал,
Турсунойим, турк ойим,
Пайғамбарлар ишларин,
Хак йўлига чордамок,
Шоҳлар иши — аллойд

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
TOSHIKENT VILOYATI SHIKSINO
DARLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
1-ETIPLI
AHBOROT RESURS MARKAZI

Ва элини сақламоқ,
Олим иши – илм ила,
Халқни Ҳаққа боғламоқ,
Сизнинг иш – ҳикмат ила,
Кўнглиларни покламоқ,
Турсунойим, турк ойим.

Афсус, барзан юракни
Майда ишлар ер экан,
Бўлса нймонинг куён,
Ҳоно хавас шер экан,
Кўзлар мушток, «Турсуной
Бу сафар не дер экан?»
Англаганим: умрни
Буюк СўЗга бер экан,
Турсунойим, турк ойим.

Тўрт болада жонингиз,
Қандай қилиб йиғайин?
Элман, сиздай бўлбун
Яна қандай туғайин?
Яшайтман қадру
Қимматингиз билмайин,
Ойда бир йўқламайман
Сингил бўлмай, ўлайин,
Турсунойим, турк ойим.

Сўзларингиз тўкилар
Назмларга ситмасдан,
Воизликка ўтдингиз,
Насрларга ситмасдан,
Юракларга кўчдингиз,
Қасрларга ситмасдан,
Махшаргача яшарсиз,
Асрларга ситмасдан,

Турсунойим, турк ойим.

Халқ шоири бўлдикми,
Халқномалар ёзамиз.
Навий, Машраб каби
Халқномалар ёзамиз,
Эгулик, поклик, дея
Аҳдномагар ёзамиз.
Иншооллоҳ, жаннатда
Бахтномалар ёзамиз.
Турсунойим, турк ойим.

Турар эли кўхинур
Бобуршоҳнинг тоғида,
Бундай қатга олмос йўқ,
Дунё хонумонида,
«Йўқолди», дедилар, йўқ,
Бобурнинг армонида
«Турсуной» номин олиб,
Яшар Андижониди
Турсунойим, турк ойим.

Доно олам, мард олам,
Турсунхон Андижоний,
Тавзим-ла фақирингиз –
Марҳабо ал-Фарғоний.

1994 йил



САДАФ

(Туркиялик бир доктор ҳикояси)

Садаф деган ёш бир бемор киз,
Даволанди кўлимда уч йил,
Кўкрак саратоми чекинди,
Аммо соғаймаганди буткул.

Қилиш керак эди эҳтиёт,
У ўзини беш йилча яна,
Бир кун менам руҳсат сўради;
Бориш керак эмиш Измирга¹.

У пайтлар киш ойн эди,
«Сенга совуқ мумкинмас, дедим
Факат самолётда борасан,
Шунда руҳсат бераман, кизим».

Автобусда йўлга чикибди,
Самолётга ололмай чипта.
Автохалокатга учрагач,
Бир кун қолиб кетибди йўлда.

Кайтиб келгач, ўша касаллик,
Вужудига кетди тарқалиб,
Нафас олар эди у факат
Кислородли жихозни тақиб.

Оғирлашиб борди ахволи,
Тузалтишдан энди умид кам.
Айтар эди факат хижжалаб,
Хатто, оддий сўзларини ҳам.

Бир гал деди: «Сиз-дан ха-фа-ман,
Док-тор, дин-дор э-кан-сиз я-на.
Не-га мен-га ет-каз-ма-дин-гиз,
Ал-лох, ў-лим, о-хи-рат ни-ма?»

Унинг диний илми оз эди,
Бўлса савол бермасди бешак.
Дедим: «Иймон муолажасин»
Ўзинг дилдан исташинг керак».

«Истайман» деб бош ирғади у.
Гоҳ бўғилиб, гоҳ қалби жўшиб,
Даволашни давом эттирдим.
Иймон муолажасин кўшиб,

Дарсмиди у, муолажами?
Тинглар эди хапкириб юрак,
Бир кун мента савол берди у:
Ўла-ёт-ган-да не де-йиш ке-рак?

Дедим: «Сенинг бу холатингда,
Қалимай шаҳодат узун.
Гар ўзингда шу холини сезсанг»,
Факат «Аллох, Муҳаммад», дегин.

Борар эди кучайиб оғрик,
Унга факат қилардик морфин.
Ният – бемор оғрингин сезмай,
Ором олиб, уйкуда ётсин.

Бир кун мента бўлди кўнгирок,
Киз онаси йиғлаб даяпти:
«Бир хафтадан бери бошқача,
Садаф морфин қилдирмавпти».

¹ Измир – Туркиядаги бир шаҳар.



Келиб, ундан сўрасам, деди:

– Ўлимга уйқуда дуч келсам,
Холим нима бўлади, «Аллоҳ,
Муҳаммад», деб айта олмасам?

Дедим: – Кўркма, укол олавер, –
Таскин бериб, юпатдим кизини,
– Уколдан олдин ҳам, кейин ҳам,
Такрорлаб ёт шу икки сўзни.

Сўнги марта сўради: – Доктор, –
Кўзларида умид ва кўркув.
– Агар менга Азроил келса,
Қай шаклда кўринади у?

Жавоб бердим: – Кўркмагин, кизим,
У мўминга дўст бир фаришта,
Иншооллоҳ, келди сенга
Нафис, гўзал бир кўринишда.

Эртаси кун у отирлашди,
Эшитдим-у уйига чоқдим,
Мен Садафни жон таслим қилиб,
Сархуш ётган бир холда топдим.

Уни узок парварипшаган
Кекса аёл ёнида эди.
Халиғина содир бўлган бир
Мўъжизани гапириб берди:

«Садаф кўккис хаво жиҳозин,
Олиб ташлаб, ўрнидан турди.
«Бис-мил-лах» деб тахорат олиб



Икки ракат намоз ўқиди.

Ҳаммамиз лол, ҳаммамиз хайрон.
Мўъжизадан турардик котиб,
У ўринга чўзилди холсиз,
Қалимаи шаҳодаг айтиб,

Сўнг: «Докторга айтинг, деди, у
Сархуш, кўзларида хайрат, нам:
– Ўлим фариштасини кўрдим,
Гўзал экан у айтгандан ҳам...»



ЯХШИ ЙИГИТ

Бир ҳафтадан бӯён эрим,
Мендан араз, ёкмай феълим.
Ҳаттоки хат ёзиб, дедим:
«Танишайлик, яхши йигит».

Туфлисини ичида хат,
Стонининг устида хат,
Ёстинининг остида хат,
Танишайлик, яхши йигит.

Опам билиб, койир мени:
– Нега ялнтирар сени?
Хе, дийдори курсин, – деди. –
Бўлмай колсин, яхши йигит.

Аразлайди, бурилади,
Ёш боладай туюлади,
Бунинг қачон куйилади?
Э, нимаси яхши йигит?!

Дедим: – Ундай деманг, опа
Ўзимдан ҳам ўгли роса.
Беҳудага койидим-да,
Ўзи асли яхши йигит.

Маошининг тенг ярмига,
Эри ўлган опасига,
Олибдилар кир машина,
Саховатли, яхши йигит.

Жиялари ёш қолишган,
Тога, ёрдам берай деган.
Жаврадим-да мен аҳмоқ ҳам,
Хафа бўлди, яхши йигит.

Аслида савоб иш қилди,
Олқишлагим керак эди,
Нодонлигим курсин мени,
Аразлади, яхши йигит.

Агар бизга кўйиб берса,
Фақат уйга ташмаласа,
Охиратин ўйламаса,
Биз деб юрса, яхши йигит.

Опам деди: – Ажаб бўлсин!
Куйканаклигинг ҳам курсин.
Энди элан, энди ялин.
Керак бўлса, яхши йигит.

Поччанг билан, рўзгорчилик,
Бавзан-бавзан уришардик,
Кеч бўлдимни, ярашардик.
Демасдан ҳам «яхши йигит».

Сенинг жанжалинг ҳам ғалаг,
Ярашишга шартми хат-паг?
Телвизордан чиқиб ҳам айт!
«Танишайлик, яхши йигит».

Айб сенда, кўймай холига,
Тегиб кетсанг ҳам жонига,
Шарт кириб, айт, ётоғига:
«Танишайлик, яхши йигит».



Делим: – Ундай қилмайман-а,
Ётоғига қирмайман-а.
Опасига борсам-чи, а?
Суонарди, яхши йигит.

Тўрт халга қир қужун олдим.
Яна канд-қурс, кўйлак-позим,
«Муборак бўлсин»га бордим.
Суонсин деб, яхши йигит.

Телефон қилдим хўжайинга:
Делим: – Мени кечиринг-а,
Келдим опангизникига,
Сиз ҳам келинг, яхши йигит.

Қирни осон юваптилар,
Сизни дуо қиляптилар,
Тавба қилдим, энди бўлар,
Ярашайлик, яхши йигит.

Эрим хурсанд, сездим буни,
Келиб, олиб кетди мени,
Делим: – Хеч ҳам, хеч ҳам энди,
Уришмайман, яхши йигит.

Кўрасиз, шу қир машина,
Ишлаб, адоғ бўлгунича,
Хамма савоб бўлар сизга,
Иншооллоҳ, яхши йигит.

Суянтириб опангизни,
Шод қилдингиз онангизни.
Энди Аллоҳ сийлар сизни,

Жаннатига, яхши йигит.
Сўнг тегишдим: – Қир машина
Керак эди асли менга.
Эрим хайрон, дели: – Нега?
Делим: «Чунки, яхши йигит,

Қирланган кўнглимни олиб,
Чайволардим битта солиб»,
Мамнун, пешонамдан ўлиб
Қулиб кўйди, яхши йигит.

Эй Мархабо, эринг агар,
Қилса солих, яхши амал,
Кўлин ўлиб, дегин хар тал:
«Кутгуге бўлсин, яхши йигит».



ЗАХИРАДАГИ АЭРОДРОМ ЁКИ КЎНДОК ХАКИДА МАСАЛ

Яшاپсан хувиллаб, ёнгиз,
Учар кўшинг кани, бечора?
Осмонига – айшу-пшратга,
Учиб кетиб колдими яна?

«Нима бўлдинг?», демайди, номард,
«Қайда колдинг?» демас бевафо.

Кўндоклари янги ва янги
Қариб, ишдан чиққунича то.

Хар томондан келлади хабар:

«Янги кўндок топиб олганмиш!»
Артистликка ўтасан қулиб:

«Вой-вой, бекор, хаммаси миш-миш!».

Пойлашади оғзингни, сен жим,

Дейсан: «Саклай ному шаръинмиз,
Сабр қилай, нима бўлса ҳам,
Кўчага чикмасин гапимиз».

Кунлар ўтар, кутасан, келмас,
Кутмаганда пайдо бўлади.

Бошқа манзил қабул қилмаса,
Кейин сента келиб кўнади.

«Вой, кўндилар, ана кўндилар!»
Кутволасан пойндоз солиб.
Сендан бошқа манзил бўлганда,
Қувар эди бир гаврон олиб.

Чакирасан кўшни гулларни:

«Учар кўшим келдилар, мана,
Кўрдингизми, энди кетмайди,
Ишқ, мухаббат қилди тантанана».

Сўзин бошлар: «Ўзинг яхшисан,
Сендан бошқа кўндок икки пулд»,
Аслида-чи, гўнчада кўнгли,
Сен у учун сўлаётган гул.

Раҳминг келар, ўзи ҳам ёшмас,
Сийрақлашган патларида оқ,
Ўзин босиб олганида-ку,
Етар эди шу битта кўндок.

Хурпажди ёшин гапирсанг,
Нафсидан мактаниб ўлади:
«Бир бор эмас, менга бир кунда,
Тўрт бор кўндок керак бўлади».

Яхшиямки, полапонлар йўқ,
Улғайишиб кетган тарқалиб.
Йўкса бундай кўшнинг феълидан,
Ўлар эдинг уятга қолиб.

«Майли, – дейсан, – бўлмай гуноҳкор,
Хохишларин этасан бажо,
Айбинг шукки, сени куш эмас,
Кўндок қилиб яратган Худо».

Ичи чикмас сендан, барибир:
– Бир меҳрибон керак дер, – менга,
– Мен борман-ку, – десанг, айтади:
– Қизикмасам не қилай, сента?!

Яна бошқа манзилларига
Сим кокишдан тинмайди бирпас.
Алокани тиклаши билан,
Учиб кетиб қолар, ярамас.

Кўшни гушлар сўрашар сендан:
«Февъли курсин, нега унака?
Яна унинг ёнин оласан:
– Ҳамма кушлар ўзи шунака.

Гап тарқалар кўндоклар аро:
«Куши кетиб қолганмиши яна»,
«Шу ёшда куш дайиятими?
Кўндоғида тинчлик йўқдир-да».

«Мен эшитдим, кўндок касалмиши»,
«Йўқ, йўқ, кетган эмиш оқариб»,
«Соғман, кўринг!» дегинг келадн,
Кўйлагингни шартта кўтариб.

Йиғлаб-йиғлаб тўкиласан жим,
Яхшиям бор уят, андиша.
Дейсан: «Мени шу нодон билан,
Аллоҳ ўзи синаяпти-да».

Юпанасан: «Менинг эсим бор,
Шу кушни деб қуяманми, а?
Шукур этиб, бағишламайми,
Ҳаётимни буюк Раббимга?!»

Шармандага шаҳар кенг экан,
Билганича яшасин энди,
Эл кўзига баъзи-баъзида,
Олқишлаб ҳам кўяди сени.

Ўзи бошқа кўндокда туриб,
Мақтанади сен билан: «Бир бок,
Менда битта кўндок бор, холос,
Шу буюшгиб энг баланд кўндок».

Дейсан: «Баландлигим ҳам курсин,
Ҳар қадамда нопок кўндок, оҳ,
Бир бағони юктириб келса,
Нима қилар эканман, Аллоҳ?!»

Билмайдикн, бу канотли зот,
Жой танлаб, умр ўтказди бекор,
Юксакларда «маърифат» деган,
Гўзал, нурли осмоншар ҳам бор.

Бирор марта илм дарёсига
Канотини солиб келса-ку,
Тафаккурнинг ифорларини
Димоғида олиб келса-ку.

Навойининг хикмат боғидан
Тумшугида гул олиб келса,
Румий очган ишк булоғидан,
Халқумида сув олиб келса.

Буюк Ҳакнинг зоти покига,
Ҳамдлар айтиб, шуқурлар қилсанг.
Неъматларин саногин топпмай,
Хайрат ичра суҳбатлар курсанг.

Дейсан: «Эсиз, бу кушга канот
Эсиз, эсиз, қалб деган дартоҳ,
Битта доно суҳбатдош бахтин,
Пешонамга битмабди Аллоҳ.



Билиб кўйгин, бир донна
 Пиёланинг учгани —
 Уйдаги файз-у омад,
 Бараканинг ўчгани.

Тежаб-тергаб ишлагтин,
 Олову чирогини,
 Тайёр тур кўтаришга,
 Қайнона фироғини,

Арзон қилиб сўзингтни
 «Били-били» қилмагин,
 Гап қувиштириб, чақиб
 «Дели-дели» қилмагин.

Мулойим, тўғри гапир,
 Сўзинг мағол келмасин.
 Чимирилма, қайнонанг:
 «Қиз боқмай ўл!» демасин.

Қайнонангта сирдош бўл,
 Малҳам бўлгин жонига,
 Гап қайтариб, тумгайиб,
 Ташна қилма конига.

«Ковок соляпти», дея
 ўтсадар гап қистириб,
 Жўнатаман уйингта
 Қовоғингни кестириб.

Аразлаб келсанг агар
 Билгин, ёмон оламан.
 Кетингта султургининг

Кети билан соламан.
 Билиб кўй ёмонингтни
 «Яхши» деб тузатмайман.
 Ўнланмасанг ўттизга
 Қирсанг ҳам узатмайман.

Ғўр олма бўлсанг нега
 «Пишган» дея, сотаман?
 Ундан кўра бошимга
 Болиш қилиб ётаман.





МАСЛАХАТ

Бўлиш учун дунёда,
Энг сеvimли кайнона,
Ўғлинигининг олдиди,
Келинигини мактанг.

Келинмас, «Болам», денг,
«Болам» ҳам кам, «онам», денг.
Фариштага килинг тенг,
Келинигини мактанг.

Ёмонини яширинг,
Яхшисини оширинг.
Килмасдан фиринг-пиринг,
Келинигини мактанг.

Пўм бўлсангиз ярашиб,
Ишларига қарашиб,
Кўшчиларга опшикиб,
Келинигини мактанг.

Боласин бокишворинг,
Оловин ёкишворинг,
Гиламин кокишворинг,
Келинигини мактанг.

Кийса гар янги либос,
Денг: «Буюрсин, тушди мос,
Кутлуғ бўлсин» денг, холос,
Келинигини мактанг.

Рўзгорингиз бўлса танг,
«Нега олдингиз?», деманг,
Суриштирманг, тергаманг,
Келинигини мактанг.

Яхши гап турган жойда,
Ёмон гапдан не фойда?
Бўлманг паст, инжик, майда,
Келинигини мактанг.

Бузуқ, ёлгончи, ўғри,
Иймонсиз – эрнинг шўри.
Бўлса бас кўнгли тўғри,
Келинигини мактанг.

Тинчликка яхши чора,
Муросаю мадора.
Яхши бўб колса зора,
Келинигини мактанг.

Ёмондасангиз уни,
Яхши ўғлинигиз, сизни
Ёмон кўриб қолади,
Келинигини мактанг.

Шикоят қила кўрманг,
Гап билан ила кўрманг,
Бўлса ҳам водон, сатанг,
Келинигини мактанг.

Ўйламай: «Ўз ўғлим-ку,
Мени дейди факаг у»,
Ўғил дарди шу сулув,
Келинигини мактанг.

Меҳрга кайтар меҳр,
Қаҳрга кайтар қаҳр,
Шунга коласиз, ахир
Келинигини мактанг.





ЭШАГИМГА ТҮЙ КЕЛДИ

Яшар эди эшатим,
Юкин ташиб бир яхши.
Кўшни тўйга келди-ю,
Хониш килди бир бахши.

Унинг гўзал овози,
Эшатимни маст килди.
Ўша кундан бошлаб у,
Юк ташишни бас килди.

Деди: «Шу овоз билан,
Эшакманми юк ташиб?
Мен ҳам тўйга юраман,
Тўртта чоғлۇчи тошиб».

Оркасидан югуриб,
Колдим «тўхта», деганча.
Аллагаюн «ижод»ни,
Бошладилар «хофизча».

Кай бир телевизордан ҳам
Хангиллаганмиш роса,
Тўйларда юриш учун,
Керакдир-да овоза.

Сўзлари «ўлдим-куйдим»
«Соғиндим, битта ўтай»,
Эшак шунча беҳаё,
Бўладими, вой, ўлай?!
Кайда колди хулк, одоб?
Акким етмай колди-ку.
Бу кўшик енгилтаклик,
Зино тарғиботи-ку.

Бемаъни кўшик элнинг
Тегиб кетди жонига.
Қачонгача сув қуяр
Шайтон тегирмонига.

Боғлаб, беркитолмасам
Бу эшакнинг жатини.
Қандай қилиб ёшаман,
Боламнинг қулөгини?

Қизларга узук-юлук,
Кўйлак ҳам кийдирибди,
Эшитганим каммиди?
Клип ҳам килдирибди.

Нодон ўсмир ёшларни,
Бошка йўлга бурса-чи?
Шундан кўра «эл-юртим,
Отам-онам», деса-чи.

Ва ниҳоят, топилди,
Ўзига мос мухлиси,
Кеча бир нодон хешим,
Тўйга айтиб келибди.

Миллийликка чакириб,
Бўлармикин буларни?
Қачон тинглар эканмиз,
Катта ашулаларни?

Эшитгандай гапимни,
Тўйда чиқиш килди бир.
Машхур мумтоз кўшикни,



Бошлаворди бетавьсир.
 Дедим: «Бу овоз билан
 Қандай чикар «Муножот»?
 Юрак доримни ичиб
 Эшитдим-у, дедим: «Дод!»

Қиёматда бор жонзот,
 Сур² сасидан ўлармиш.
 Сур, Ҳазрат Исрофилнинг
 Кўлларида бўлармиш.

Овоз ҳам курол экан,
 Ишондим бунга бешак,
 Қотил овоз борлигин,
 Иботлади бу эшак.

Бузиб айтса яна бир,
 Макомни бу ярамас,
 Аламмидан ўрнимда,
 Ўлиб қолсам, ажабмас.

Булбул билиб ўзини,
 Хониш қилар бу ханги.
 «Самарқанд ушшоғи»ни
 Бошламаса, гўргайди.

Ахир бу макомларнинг
 Хар нотасин пайдар-пай,
 Юнус Ражабий бедор,
 Териб чиккан заргарадай.

² Сур – қарнай.

Тўйчи хофиз, Жуърахон
 Гўрида тик турмасин,
 Ҳожи Абдулазизнинг
 Арвоҳлари урмасин.

Вой, қулөгим, вой бошим!
 Қачон тугайди бу тўй?
 Ўлмай чиксам шу ердан,
 Эҳсон қилдай, сўйиб кўй.

Вой-вой, энди Таваккал
 Қолдир бўлмоқчи, беор.
 Тўхтаг, хой, уйинг қўйгўр,
 Расво бўлди «Тановар».

«Ўзим хар жойда, кўнглим,
 Сенгладур», дедими, бас,
 Ем-хашагин назарда,
 Тугаяпти, ярамас.

Ахир бу кўшиқ буюк,
 Зот хақида айтилган.
 Хижрон сабаб дилдаги
 Дод хақида айтилган.

Сўз маъзини чаксанг-чи,
 Бу нима от бозори?
 Кўшиқ айтиш учун ҳам,
 Ақл керак, безори!

Бу кўшиқлар шу элнинг
 Азиз мулки-ку, ахир.
 Бураб-бураб олардим,
 Кўлларимга тушсанг бир.



У жонининг парчаси
Жон ишимни узмагин,
Бузсанг майли, уйимни,
«Тановар»ни бузмагини!

Вой, кўшигим! Вой, маком!
Хайфим келар тингласам,
Арзир эди кирк кеча
Аза очиб йингласам:

Нахор келиб, нашта
Кетган, кўшиге-е-м!
Хофизига ташна
Кетган кўшиге-е-м!



НОЗИК НАСИХАТ

Келинлар! Жон-жигарларим,
Шариятда йўқдир шарм,
Эрингизга бўлинг халим,
Шаръий суҳбат¹ – ибодатдир.

Гўзал суннат турмуш куриш,
Эркакка юк – ёлғиз юриш,
Вой, вой, тунда бу не уриш?
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Аёл киши эрин бешак,
Харомдан сақлаши керак,
Йўқса зино излар эркак,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Бунни айтмаса катталар,
Ёшлар каердан ҳам билар?
Устимиздан кулган кулар,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Эркак шундай яраган-да,
Аёл ишқи мулоом жонда,
Айниқса, чарчаган онда,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Аёл эрнинг йўту бори,
Шусиз аччиқдир рўзгори.
Уша унга уйкулдори,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.



¹ Эр-жонининг шаръий ақинлиги.

Эркак ширин сўзлаб, масрур,
Истагидан «хабар» берур,
Хабари бу – бўса эрур,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Хох тун бўлсин, хох тонг – фажр,
Ният бўлсин савоб – ажр,
«Бисмиллоҳ», деб бошлаш зарур,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Аллоҳ буюрган томондан,
Келмас экан ўшай ондан,
Юз ўғирар Аллоҳ ундан,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Вақти, ўрни, ҳақдин билсин,
Жуфт-жуфтини икром қилсин,
Ҳаё эҳромини қийсин,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Кафта кўйилса кафларни,
Бармоқ орасидан бари,
Тўқилар бор гуноҳлари,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Гуноҳ тўқиларкан жар гал,
Шафоат-ку, бу иш тутал,
Чивин ҳам бермасин ҳалал,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Ундан кейин фикр билан,
Поклансинлар ғусл билан,

Дуо ўқиб, зикр билан,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Хайз – нохуш бир ишдир тугал,
«Ок бетаҳорат»-да тутар.
Яқинлашманг бу пайт, магар
Шаръий суҳбат – ибодатдир.

Бу ҳадисдир саҳиҳ, тоза,
Ёд ҳам бўлди ёза-ёза.
Сизга ҳам қилай овоза,
Шаръий суҳбат – ибодатдир.



МЕН МАКТАНАР ХЕЧ НАРСА ЙЎК

Яратди, берди қалбу дил,
 Ақл, фаҳм-у фаросат, тил.
 На қилдимки, бўлай мағрур?
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.

Устоз эса илми, сўзи,
 Қувват танимга ризқ-рўзи,
 Илҳом қилиб турган ўзи,
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.

Аслим – тушут, оби нажас,
 Юз-қўл поқу, корним – нажас,
 Ўлсам бўлур қабрим – нажас,
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.

Берган не-не неъматларин,
 Суву, хаво, молу зарин,
 Бехуда ишлатдим барин,
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.

Ўзи берган қўлим ушлаб,
 Қалам ёзди юрак кишлаб,
 Хиҷолат қилманг олқишлаб,
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.

Завқлансангиз денг: «Мошолло,
 Яхши, ёмон қилган Худло»,
 Ожиз қулидир Мархабо:
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.

Ёздирган ҳам ўзи, менмас,
 Чиздирган ҳам ўзи, менмас.
 Қогоз, нутқ, сўз ўзидан, бас.
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.

Ким мактаса ёлгон ё чин.
 Юзларига тушроқ сочинг,
 Алқаб, тавоф қилманг, кочинг,
 Мен мактанар ҳеч нарса йўк.





Уабиралар тилидан

Шоҳруҳ, 4 ёш

КАСАЛҲОНАДА

- Мана бу хонада кимлар ётади?
- Энг оғир касаллар ётади, болам.
- Нимага унака, нимага оғир?
- Кўтара олмайдими катта додам ҳам?

* * *

Субҳона, 3 ёш

- Вой-вой, астағфриййёҳ!
- Жинни киз бўб кообман-ку,
- Овқатяниш ойдидан
- «Ай, яззоқ!» демабман-ку,
- Йигийма бий маттами,
- Бувжон, канча айтгади?
- Тезёк бошланг, бўлмаса,
- Егим кочиб кетади.

* * *

Муслима, 3 ёш

- Келинг, келинг, бувижон,
- Гапашиб ўтиямиз.
- Майли, кизим, айтақол,
- Нимадан гапашамиз?
- Бий кўённи еб кўйди,
- Тейвизойда кўйдим ман.
- Ёса кўйкинчли экан,
- Гапашамиз бўйдан.
- Аллоҳдан гапашайлик,
- Бўри ҳам гап бўлганим?
- Ха-ха, Айёҳ яхшимин?
- Зейкмай юйингганим?

* * *

Аюбхон, 4 ёш

- Чумолини ўлдирма,
- Сенга кўл кўтардимми?
- Кўлин кўтарса, кейин
- Ўлдирсам бўладими?
- Менга караб шохини
- Кимирлаткпти-да, у
- Кўли каерда қолган?
- Тўргови ҳам оёқ-ку.



Истиқлолдан аввал ёзилган шеърлар

ОНА ТИЛИ ҲАКИДА МАСАЛ

Қадимда бир орол итлар макони эди,
Бир кун унга дайли Хўроз адашиб келди.

Сочи тарок, думи ўрок, забони бўлак,
Итлар билан яшаб турди оролда андак.

У «ку-ку»лаб «уйғотворди» бир тонг Куёшни,
Оролликлар хайратидан ушлади бошни.

«Ку-ку-ку» бу – Куёш тили, қолманг армонда,
Мен бўлмасам тонг отмайди энди оролда».

Хўроз учун итлар жонин бергучи бўлди,
Дайли Хўроз кунда юз бор келгучи бўлди.

Кўрардики, орол салқин, емиш мўл, қулай,
Кўчиб келди бола-чака билан бутунлай.

Бу ҳам майли, биттандан сўнг кўндок – бошпана,
Бирин-кетин чоргов ёзди қариндошларга.

Жуфт-жуфт бўлиб келаверди Хўроз – товуклар
Хурсанд бўлди меҳмоннавоз, танги Олапар.

Улар учун ажратилди ер, сув, ўтлоқлар,
Оролниг қок марказида битди кўндоклар.

Кучукчапар ўйнадилар жўжапар билан,
«Чий-чий»лашиб ўргандилар «тилл»ни улардан.

Ҳатто улар шоир бўлиб ётганда ғазал
«Вов»уллшадан «ку-ку»лашни кўрдилар афзал.

Итлар учун сездирмасдан келди қора кун,
Иўкотдилар ўз уйида ўзлигин бутун.

Хотимаси шу бўлдики, юриш-туришда
Товукларга тақлид қилиш хўп бўлди удум.

Ва Олапар бир кун боқиб итлари томон,
Хотинидан юрагига ўрлади тумон:

Товуксифат эди ахир ҳамма қизлари,
Ўтиллари хўрозсифат, олифта бари.

Энди тунда жўр бўлишиб улпишлар қайда?!
Ит тилида қуйлаб, итдай юришлар қайда?!

Унутилди дум ўрганган минг хил удумлар,
Қилга қилиб қирқилганди бечора думлар.

Қизик замон келди, тар ит кўрса ит қизни,
Секин пусиб борар эди буққанча тизни.

Танишмасдан, ялашмасдан, искамай исин,
Хўрозсифат ошқор қилар, эди сеvgисин.

Итлар асло итлигини олмай кўйди тан,
Туттиш удум бўлиб кетди, фақат биттадан,

Олапар-ку яшар эди барига чийдаб,
Хўроз тунда «ув»иллашни кўйди тақиклаб.

Эҳ, Олапар еру кўкка урди ўзини:
«Билмади-я сурбет Хўроз берган тузимни.

Етар энди мезбон бўлиб тошган савобим!»
Ўн йил ўтгач у Хўрознинг берди жавобин:

– Куёш – Куёш гарчи буюк, гарчи бой тили,
Бизда «ку-ув», азиз меҳмон, яъни Ой тили.

– Бу тушингни энди сувга айтасан, кўзим,
Ўн йил бўлди, бу оролда хўжайин – ўзим!

Ўша куни олапарни афсуслар ели:
«Ўл бошимни олиб гажиб ташласам эли.

Э, воҳ, дахшат! Ўлди чин ит, ўлди янтрок тил!»
Ночор деди эна итга: «Нима қилсанг қил.

Ўрган ўша бошга бағо Куёш тилини,
Бир йўл билан билай ахир итлар дилини».

Она ит кўп азиятлар чекиб ниҳоят,
Қилди бир оз товук каби сўзлашни одат.

Галлашса гар итлар билан Олапар қачон,
Шўрлик эна ит ўртада бўлди таржимон.

Олапарга бундай яшаш эди беҳузур,
Лекин «тилмоч» тошанга қиларди шукр.

Иккала ит кўшиқларни қилиб хиргойи,
Кузатишиб яшашарди оролда Ойни.

Эслардилар пушиб эски яллагларини,
Кучуқларга айтиб чиққан аллагларини.

Эсиз, бир кун отрий қолди эна ит – ногоҳ,
Итваччалар «ку-ку»лашиб бўлдилар огоҳ.

Тонг саҳарда Олапар ҳам «тунг-соков» бўлди,
Бир «ку-ку»лаб, бир «вов»уллаб эна ит ўлди.

Бу бир ажиб хикоятдир, яқуни – тусса,
Сўнги сўз шу, яъни дўстлар, қиссадан хисса:

Оталарнинг хатосини тузатмоқ керак,
Сур меҳмонни ўз вақтида кузатмоқ керак.

1986 йил





Маширабона оҳанглар

БЕЗАТТИН

Эй, Холико, кўнглимини
Иймон билан безаттин.
Обод қил юртимни илм,
Урфон билан безаттин.

Эссиз ош-у эссиз нон,
Юзи курсин подоннинг,
Уйимни тавозеги
Меҳмон билан безаттин.

Ҳамроҳ қилма жоҳилга,
Ҳар соат, ҳар онимни.
Инсофу эътиқодли
Инсон билан безаттин.

Забонимни сақлагин,
Беҳуда сўзламакдан.
Қаломимни ҳадису
Қуръон билан безаттин.

Раҳмдилсан, ҳеч қасни
Залолатга ташлама.
Хулқи жамил, бер, кўлин
Эҳсон билан безаттин.

Бу дунёда бойлик, шон,
Бермасанг берма, аммо,
Номини, мўмин, деган
Унвон билан безаттин.

ЯШИР

Парими бу, хурми бу, акгим олди, вой, яшир,
Қайлардан келиб қолди, бу чехраси ой, яшир?

Хушнингг жилвасидан, нурга тўлди кўзларим
Ойларда йўқ, кунда йўқ бундайин чирой, яшир.

Қарасанг тик боқмайди, бу гул кимга ёқмайди?
Шарму ҳаё, ибоба у қанчалар бой, яшир.

Гўлдилитин файзидан диллар бўлди нурафшон,
Қошонага айланди, бу қамтарин жой, яшир.

Кўзи тушган ҳар одам бўлди-ю унга мафтун,
Меҳмонларнинг олдида совиб қолди чой, яшир.

Яраттувчи, одамни яратмишдир тулпроқдан,
Шунча хушрўй бўлурми, оддийгина лой, яшир.

Жим бўлгин, энди, малдох, мактов фақат Холிக்கа,
Аслим шошиб, бўлибди, сўзим пойма-пой, яшир.



ЎТАВЕРСИН

Ёримни дедим, энди бўлак ёр ўтаверсин,
Минг мухлисусу минг хуру пари, зор ўтаверсин.

Мен севдиму дунёни, тамом баҳридан ўтдим,
Хуфтонми, сахар, ёзми, аёз, кор ўтаверсин.

Мен ошпику девона, кулар бори халойик,
Хак васлининг олдидида уят, ор ўтаверсин.

Ул дард зўридан нола килур жону жаҳоним,
Йинглоки ўшалг танбур ила тор ўтаверсин.

Мажнун каби васлин йўлида хор ўладурман,
Минг-минг чагажон беҳолу бемор ўтаверсин.

Кўп кийнади ул кўзга бирон марта кўринмай,
Катл этса фирок кунда, килич, дор ўтаверсин.

Гар бош деса ул, бўйиним эгиб бермасам, айтсин:
«Минг куйгану ёнганлари беко, ўтаверсин».

«Махшарда кел эй, кулл», дея бир йўкласин Ул ёр,
Ёр йўкламаса, тешкилаб аёғр ўтаверсин.



ХОЮ ХАВАСИМГА

Эй, сен, хою хавасим,
Мен сен билан уришдим.
Бўлун кўнглим йўкотган,
Иймон билан кўришдим.

Эй, сен хою хавасим,
Асло сени демасман,
Сен меники бўлсанг хам
Мен сеники эмасман.

Эй, сен, хою хавасим,
Исик кучок экансан,
Ялтилаганинг билан
Писта-пўчоқ экансан.

Эй, сен, хою хавасим,
Шайтонийдир ишларинг,
Эътиқолди кўнглигга,
Ўтмас сенинг тишларинг.

Эй, сен, хою хавасим,
Вафо йўқдир сўзингда.
Мени тинч куй, сенинг хам
Ихтиёринг ўзингда.

Эй, ёлгончи, олмагин
Мархабонинг хушини,
Чин инсонлар қиладур,
Чин дунёнинг ишини.

**БИЗДАН ЭМАС**

Айтдиларки, Ҳак расули сержафо биздан эмас,
Ким ота-ю онасига бевафо биздан эмас.

Шунчадир кибрим менинг, ўлсам агар тушроқ деюр:
«Ҳеч кабул этмам, олинг, бу норасо биздан эмас.

Тиззаму кафтим, оёғимдин чўчир жойи салот,
Дерму пешонамга ул, бу бевафо биздан эмас.

Энди мен бир хикмат айтсам, шу гуноҳкор тил ила,
Дер калом: «Менга забон ёт, ҳам наво биздан эмас».

Оҳким, йўлдин чикарди мени даҳрий бир лайин,
Демадимки: «Бу адашган раҳнамо биздан эмас».

Ўйнадим ноторасига ва дедим бе илтифот:
«Ўятта-татта, да-да-да, тору сато биздан эмас».

Чўнг момом, иффат, тавозе бирла юрминш эрдилар,
Кеккайнб, айтдимки: «Бу эски мато биздан эмас».

Охираг мени Расулдин сўрсалар: «Сиздинму?», деб
Не килурман, десалар: «Йўк, Мархабо биздан эмас...»

**ДЕЙИН**

Гўзал юртда яратгансан,
Хусн бирлан безатгансан,
Ва хар он бир кузатгансан
Сенга хамду сано бўлсин.

Кўрилган туш ўзингдандир,
Урилган ниш ўзингдандир,
Келар хар иш ўзингдандир,
Сенга хамду сано бўлсин.

Олар бўлсанг онамни хам,
Жигар гўшам, боламни хам,
Хувиллатсанг хонамни хам,
Сенга хамду сано бўлсин.

Шукур, бой ё факир килсанг,
Ошим хуш ё тахир килсанг,
Карам ёки қаҳр килсанг,
Сенга хамду сано бўлсин.

Берар бўлсанг қувонч ё ғам,
Табассум ё кўзимга нам,
Десам арзир хар он, хар дам:
Сенга хамду сано бўлсин.



КИРСИН

Ў кий сўзи каломингтни,
 Десам дилга наво кирсин.
 Очай руҳим эшигтини,
 Нафис, тоза хаво кирсин.

Бу кун Сендан йироқларда,
 Дили беморга ўхшарман.
 Тутай руҳим кулөгинники,
 Дардимга даво кирсин.

Кўнгилдан бошланиб иллат,
 Чанги танга илашмасдан.
 Халаскорим, ўзинг раҳмат,
 Қилу жонга сабо кирсин.

Декорсан бир гўзал кунда,
 Очиб раҳмат эшигини,
 Қилиб эзгу амал, ўтган,
 Эру пок дилрабо кирсин.

Мен осийга Беҳишт кайда?!
 «Шуям бандам», десанг кошки,
 Турарман бош эгиб, четда,
 Десангки: «Мархабо кирсин».



КЕЛТИРИНГ

Яқинлар меҳмонга келдиларки, хонни келтиринг,
 Кўк чою писта, бодом, кунжуқли нонни келтиринг.

Шурданлак бўлсин Самарқанддан ва Тошкентдан кази,
 Қариндан «Тандир кабооб», тўшт,

хонумонни келтиринг.

Бир налов дамлангки, бўлсин, бир туручта битта гўшт,
 Ошпази бирдан кўшиб, ўзган, Кўконни келтиринг.

Одоб-ахлоки ила бор Марғилон келсин кўчин,
 Сигдириб бир кенг кучоқка Андижонни келтиринг.

Берикноб қолишмасин, ёши улуглар, катталар,
 Қудлар ўзбекча бўлиб, танбур, дуторини келтиринг.

Шай туринг меҳмонга озор бермасин шаббода ҳам,
 Урмасин офтобу ёмғир, собонни келтиринг.

Яқини уйдан чумчуғу мусичалар ҳам наф олур,
 Кўшини ҳам «қиш-қиш»ламай ушшоғу,

донни келтиринг.

Шеърлари хар ерда, аммо, Мархабо уйиндалдур,
 Нуҷласангиз, чехрада нури иймонни келтиринг.



Кўшиқ Марта айланган шеърлар

ВАТАНДА

Узоқда бир киши кўради:

«Не жонлар яшайди Ватанда?»

Мен дедим: «Дунёда энг яхши

Инсонлар яшайди Ватанда.

Юрт учун бергувчи жонини,

Хак учун тўқгувчи конини,

Мухтождан азмас нонини,

Шоҳонлар яшайди Ватанда.

Каерда бўлса ҳам хизмати,

Олтиндан бағандилар киммати,

Камбағал бўлса ҳам, химмати

Осмонлар яшайди Ватанда.

Бу Ватан конларнинг Ватани,

Пахтаю донларнинг ватани,

Исломиий шонларнинг ватани,

Иймонлар яшайди Ватанда.

Ўзинга беқиниги ярашган,

Ёв билан орият талашган,

Чингизхон билан куч синашган,

Султонлар яшайди Ватанда.

Ахилдир кўшнилар, жўралар,

Махашалар гулга ўралар,

Олимлар, сайиду тўралар,
Эшонлар яшайди Ватанда.

Мардликда ўчмас шон яратган,
Сарою арк, майдон яратган,
Нодира, Умархон яратган,
Замонлар яшайди Ватанда.

Бу Ватан буюгу бой бўлар,
Хуснда кўклати Ой бўлар,
Меҳмонга тўрини берар,
Мезбонлар яшайди Ватанда».



ЎЗБЕГИМ, ЎРГИЛАЙ

Ўзбегим, ўргилай кошу кўзингдан,
Дуторинг, танбуринг, нурули юзингдан,
Не яхшилик бўлса кўрдим ўзингдан,
Ўзбегим, ўзингсан дардкашим,
Солдадил, ширинсўз, дилкашим.

Китобларинг тўла маррифат, зиё,
Кайси лутғатда бор андиша, хаё?
Сендан оқибатни ўргансин дунё,
Ўзбегим, ўзингсан дардкашим,
Солдадил, ширинсўз, дилкашим.

Замонлар ўтади ўнгу сўлингдан,
Хикматлар терурман юрган йўлингдан.
Дўшпано чопонлар кийдим кўлингдан,
Ўзбегим, ўзингсан дардкашим,
Солдадил, ширинсўз, дилкашим.

Хар миллат, хар элға бордир хурматинг,
Дўстлик, ахилликда кучинг, кудратинг.
Меҳмондўстлик энг гўзал фазилатинг,
Ўзбегим, ўзингсан дардкашим,
Солдадил, ширинсўз, дилкашим.

Дуонингни олай, олгин олмайин,
Хизматингни килиб, асло толмайин,
Хакдан қолмайин, ўзингдан қолмайин,
Ўзбегим, ўзингсан дардкашим,
Солдадил, ширинсўз, дилкашим.

Не иш бошласанг ҳам Оллоҳ ёр бўлсин,
Фарзандларинг сента мадакор бўлсин.
Хурлик, донишлигинг барқарор бўлсин,
Ўзбегим, ўзингсан дардкашим,
Солдадил, ширинсўз, дилкашим.



ЁШУЛЛИ

Тилларимиз хўш гўзал, шеваси турли-турли,
Хоразмда дейишар, кексаларни «Ёшулли»,
Ёши улғу ёшулли, акли тулғу ёшулли,
Илоҳо, ҳар бир инсон бўлсин узок умрли.

Ёшулли, ёшулли, чеҳрангиз мунча нулли?
Дуоларингиз олтин, суҳбатингиз хузурли.

Бобом ошпоқ соқолда нурса, каранг, пир бўлди,
Момом ошпоқ рўмолда турса, каранг, хур бўлди.
Қадр толган кексалар ибодатда, дуода,
Шукр бўлсин Аллоҳга, бундай замон бир бўлди.

Ёшулли, ёшулли, чеҳрангиз бунча нулли?
Дуоларингиз олтин, суҳбатингиз хузурли.

Фарзандларингиз ўсиб, кўлдан олди ишингиз,
Набиралар улғайиб, ариди ташвишингиз,
Энди яшай деганда, ўзингиз учун, эсиз,
Кулоқ оғир, кўз хира, тушар нега тишингиз?

Ёшулли, ёшулли, чеҳрангиз мунча нулли?
Дуоларингиз олтин, суҳбатингиз хузурли.

Бобо, кулоғингизга айтиб кўяй битта сир:
Кампирингиз кўнглини сўраб туринг кунда бир,
Чолингизни ачомлаб, моможон, қилинг хузур,
Кекса бўлгани билан, кўнгли ўша, ўшадир.

Ёшулли, ёшулли, чеҳрангиз мунча нулли?
Дуоларингиз олтин, суҳбатингиз хузурли.

ЯХШИ ХОТИН

Яхши хотин бир кафт унни ош қилади-ей,
Илжик эрин маҳаллага бош қилади-ей,
Ёмон хотин бир коп унни чангитади-ей,
Тўра эрин эл ичида гангитади-ей.

Яхши хотин йўқни йўриглаб ўтади-ей,
Эр молини тежаб, кўриглаб ўтади-ей,
Ёмон хотин сабр қилмас озига, э, воҳ!
Сўксанг агар судраб борар козига, э, воҳ!

Яхши хотин кўлиб кутар жуфтини доим,
Эркалатиб, суюб кутар жуфтини доим,
Ёмон хотин эрта ур қовоғини-ей,
Эр синдирар коса билан тавоғини-ей.

Яхши хотин айбинг ўраб, яширади-ей,
«Муллолар», деб обрўйингни оширади-ей,
Ёмон хотин акса урсанг, кулади қаҳ-қаҳ,
Қасалсан, деб соқолингдан юлади, бадбахт.



БИР КЎРГАНИМ

Жоним болам, онангта ош ила нон керакмас,
Агласу кимхоб кўйлак, шуҳрату шон керакмас,
Олгину зар, бўйнига дуру маржон керакмас,
Бўйингни бир кўрганим, ясанганим, тўйганим.

Фарзанд айрилигидек захмат йўқдир онангта,
Фарзанди соғинчидек меҳнат йўқдир онангта,
Омон тану жонингдек давлат йўқдир онангта,
Бўйингни бир кўрганим, ясанганим, тўйганим.

Йўл тошганда борай деб, келмай юрма узоклаб,
Гул тошганда борай деб, келмай юрма узоклаб,
Пул тошганда борай деб, келмай юрма узоклаб,
Бўйингни бир кўрганим, ясанганим, тўйганим.



АКА-УКАЛАР

Бир жон ака-укалар,
Бир кон ака-укалар,
Бир-бирининг дардига,
Дармон ака-укалар.

Бир-бирларининг кўнгли,
Бир-бири билан хушдир.
Ул бири канот бўлса,
Ул бири учар қушдир.

Хам дўстларига дўсту,
Хам душманига муштдир.
Бир жон ака-укалар,
Бир кон ака-укалар,
Бир-бирининг дардига,
Дармон ака-укалар.

Гар биттаси йиқилса,
Ул ҳаммалари чопшай,
Ул бирининг айбини,
Ул бошқа бири ётшай.
Бир-бири учун, хатто
Жон даркор эса тошшай.

Бир жон ака-укалар,
Бир кон ака-укалар,
Бир-бирининг дардига,
Дармон ака-укалар.

Бир-бири билан доим,
Зўр хурмату иззатда.



Гар биттаси тўй килса,
Ул хаммаси хизматда.
Кай оила ахил бўлса,
Оллох суяр, албатта.

Бир жон ака-укалар,
Бир кон ака-укалар,
Бир-бирининг дардига,
Дармон ака-укалар.



ГЎЗАЛ

Ойларга ўхшарми ёр, гўзал, гўзал,
Кунларга ўхшарми ёр, гўзал, гўзал,
Меҳр кўзлари билан боксанг агар,
Бу дунёда неки бор гўзал, гўзал.

Кошларининг хилоли гўзал, гўзал,
Бўйларининг зилоли, гўзал, гўзал,
Хар нарсани ясаган гўзал килиб,
Асли унинг кулоли гўзал, гўзал.

Бу гуллар, бу ёунчалар гўзал, гўзал,
Боғалар – ширинчалар гўзал, гўзал.
Кайда тинчлик, адолат хоким экан,
Бахт деган тушунчалар гўзал, гўзал.

Халол бўлса нонимиз гўзал, гўзал,
Иймон билан жонимиз гўзал, гўзал.
Хар дилга яхши ният ҳамроҳ эса,
Хар соат, хар онимиз гўзал, гўзал.



ЁШЛАР

Ўзбекнинг қолдузи самода балқиди,
Бу ҳам элимизнинг омади, бахти,
Гуркираб ўсавер Турон боғида,
Илму маърифатнинг олтин дарахти.

Ёшлар, ёшлар, бор бўлинг,
Элга номус-у ор бўлинг,
«Ёшлик», деган тахт сизга,
Омад сизга, бахт сизга.

Сизга хунар, билим ота меросдир,
Заковат-у илм бобомеросдир,
Сиз – темир канотсиз, Ватанга, деган
Улуғларнинг сўзи хамиша ростдир.

Ёшлар, ёшлар, бор бўлинг,
Элга номус-у ор бўлинг,
«Ёшлик», деган тахт сизга,
Омад сизга, бахт сизга.

Юртининг номини кўлиб номига,
Элининг меҳрини солиб жонига,
Ўзбекнинг боласи кезмоқда дунё,
Шараф бўлсин юртининг истиқлолига!

Ёшлар, ёшлар, бор бўлинг,
Элга номус-у ор бўлинг,
«Ёшлик», деган тахт сизга,
Омад сизга, бахт сизга.

Яхши орзу-умид сиздандир бутун,
Билмдон ўғилу қиздандир бутун,
Тезроқ униб-ўсиб, камол топсангиз,
Сиз билан бўлади бағримиз бутун.

Ёшлар, ёшлар, бор бўлинг,
Элга номус-у ор бўлинг,
«Ёшлик», деган тахт сизга,
Омад сизга, бахт сизга.





ОТАЛАР

Кўйнида, белбоғида нон тошпиган,
Чумолидай уйига дон тошпиган,
Ахли аёлига жон тошпиган,
Оши беминнат оталар,
Нони беминнат оталар.

Фарзанд кўрса ширин-ширин ўй қилган,
Ажика-ю, суннат, бешик тўй қилган.
Лойлар тепиб, фишгллар куйиб ўй қилган,
Оши беминнат оталар,
Нони беминнат оталар.

Эрқалатиб кўтарганди бўйнида,
Совужкотсак, иситганди кўйнида,
Фарзанди — бир пошпо эди кўнглида,
Оши беминнат оталар,
Нони беминнат оталар.

Меҳр бериб, меҳримизга қонмаган,
Кунда бир бозор қилишдан толмаган,
Куйдирса ҳам фарзандидан тонмаган,
Оши беминнат оталар,
Нони беминнат оталар.

Ардоқлайлик кексайганда борисин,
Юрагидан ғаму ташвиш арисин,
Камширлари билан кўша-қарисин,
Оши беминнат оталар,
Нони беминнат оталар.

ШИНАВАНДА

Сиз, қолмади, деманг, ҳалиям бор шинаванда,
Бир яхши кўшик, куйга муҳом зор шинаванда.

Нозик таъб одам гул исига тўймаганидек,
Кетмай ўтирар ёғса тошу қор шинаванда.

Зўр ҳурмату иззат ила хофизга келиб пеш,
Олқиш-да қилур меҳрини изҳор шинаванда.

Булул камайиб тўтининг уруғи кўтайса,
Куй-нағмасидан, бағки, қилур ор шинаванда.

Донота қаранг, нега қулогини тўсибдур?
Нодоннинг кўшик-қуйдан безор шинаванда.

Минг ўйла ғазал ёзсанг атар, Мархабо, билки,
Дона ва яна сендан ҳам хуш ёр шинаванда.





ЕТГАНЛАР

Далалардан кетиб қор,
 Кўкгам келди беозор.
 Муборак, сизга баҳор,
 Қишдан омон ўтганлар,
 Наврўзларга етганлар.

Офтобга солиб намат,
 Боболар қурур суҳбат.
 Хар кунимиз ғанимат,
 Қишдан омон ўтганлар,
 Наврўзларга етганлар.

Йўқлаб ота-онасин,
 Хабар олсин холасин,
 Дуо қилсин боласин,
 Қишдан омон ўтганлар,
 Наврўзларга етганлар.

Урушганлар ярашсин,
 Ночорларга қарашсин,
 Савоб учун қурашсин,
 Қишдан омон ўтганлар,
 Наврўзларга етганлар.

Кўзилагтиб кўйларни,
 Солинг янги уйларни,
 Бошланг энди тўйларни,
 Қишдан омон ўтганлар,
 Наврўзларга етганлар.

Сизга ким берди ҳаёт,
 Ўша Зотни қилинг ёд.
 Қолсин сиздан яхши от,
 Қишдан омон ўтганлар,
 Наврўзларга етганлар.



ХАЁТ БЎЛСА КИМНИНГ ОНАСИ

Дўшписини отсин осмонга,
Шукр этсин хар кун, замонга,
Кўлин дадил узатар нонга,
Хаёт бўлса кимнинг онаси.

Меҳр излаб кўчиб юрмайди,
Ранги-кути ўчиб юрмайди,
Ўз уйида чўчиб юрмайди,
Хаёт бўлса кимнинг онаси.

Совқотмайди қор-дўлларда ҳам,
Қоқилмайди тош йўлларда ҳам,
Туртолмайди ҳеч бир муттаҳам,
Хаёт бўлса кимнинг онаси.

Юлинмайди ноҳак бир пағи,
Бўлар фақат яхши сифати,
Иссиқ турар доим овқати,
Хаёт бўлса кимнинг онаси.

Ширин сўзга бўлмайди ҳеч зор,
Инсу жинслар беролмас озор,
Дуосидан тақади тумор,
Хаёт бўлса кимнинг онаси.

«Кўзи» борнинг суқи тегмайди,
Бадқилиқнинг дўқи тегмайди,
Душманининг ўқи тегмайди,
Хаёт бўлса кимнинг онаси.

Эй, Мархабо, она бир неъмат,
Бу дунёга қурилган жаннат.
Етсин унинг қалрига фақат,
Хаёт бўлса кимнинг онаси.



ОК КАПТАР

Ок каптарим, ок каптар
Саволга тўлди дафтар.
Ерда жумбоқ кўп экан
Осмонда нима гаплар?

Ёримиздур мохитоб,
Меҳримиздур офитоб,
Етарми қилсак хитоб,
Осмонда нима гаплар?

Кўнгилдаги ёр якка,
Мухрдланган юракка.
Етурмизми тилакка,
Осмонда нима гаплар?

Жонимнинг пардасида
Ёрга айтгай қасида.
Биз ошниклар хақида
Осмонда нима гаплар?



ЎТИЛ БОЛА

Кўзида меҳри бор, меҳри бор, ўтил бола,
Сўзида сеҳри бор, сеҳри бор, ўтил бола,
Устидан чиқади ваъда қилиб-ей,
Офарин, яшшавор, яшшавор, ўтил бола!

Босар ота изини ўтил бола-ей,
Букмас ёвга тизини, ўтил бола,
Номусидай, оридай асраб юрар-ей,
Аёлини, қизини ўтил бола.

Дунё учун маст бўлмас ўтил бола-ей,
Бир-бирига қасд бўлмас, ўтил бола.
Яшар доим номус-у ори билан-ей,
Мард бўлар-у паст бўлмас, ўтил бола.

Хонадоннинг қувончи, қувончи, ўтил бола,
Якшиларнинг суянчи, суянчи, ўтил бола,
Ҳамиша эл-юртининг, Ватанининг-ей,
Ишонгани, таянчи ўтил бола.



ДУНЁГА ЭНДИ КЕЛДИК

Демасинлар ўтди вақти,
Кўлдан кетди тожу тахти,
Гуллар умримиз дарахти,
Дунёга энди келдик.

Ёшлик осмонида учиб,
Ишк бўлгондан сув ичиб,
Баҳордан баҳорга кўчиб,
Дунёга энди келдик.

Нодон эдик, доно бўлиб,
Жилга эдик, дарё бўлиб,
Тамом бошқа дунё бўлиб,
Дунёга энди келдик.

Хурлик, дея олам таниб,
Пок, озод бўлиб, хурланиб,
Иймон нури-ла нурланиб,
Дунёга энди келдик.

Баҳоримиз хали ўтган йўк,
Поездимиз хали кетган йўк,
Умр охирига етган йўк,
Дунёга энди келдик.



БОЗОРГА БОРАМИЗ

Аёлнинг оёғи юрса бўлгани,
Кўлда уч-тўрт танга турса бўлгани,
Айлангани, уни-буни кўргани
Бозорга борамиз.

Биримиз кимтиниб, биров жакиллаб,
Биримиз имиллаб, биров чопкиллаб,
Саксонга кирсак ҳам, баъзан инкиллаб,
Бозорга борамиз.

Зўридан олайлик кафанимизни,
Ботлаб олиб оғриган тиззамизни,
Казо килсак ҳамки намозимизни
Бозорга борамиз.

Тўй килар бўлсак-ку беради Худо,
Сепга солиш керак «Памперс»гача то,
Ками битмай, сахар тўй кунни хатто,
Бозорга борамиз.

Кўшним дейди: «Мунча ўқийсиз, туринг,
Фазални эртага тўқийсиз, туринг,
Янги кўйлақ кебди, оламиз, юринг,
Бозорга борамиз».

Биримиз сотамиз, биримиз олиб,
Бил-зила биз алдаб, баъзан алданиб,
Хою хавас шайтонига бойланиб,
Бозорга борамиз.

Ҳазил-тайша қилиб эрқалу аёл,
Аския, сўз ўйин қилиб бемалод,
Фақрламай на ҳаром, нимадир ҳалол,
Бозорга борамиз.

Аёлнинг гап-сўзга қолиши осон,
Поклиқни ўйлайлик чиққанда ҳам жон.
Ҳаёо андиша билан биз қачон
Бозорга борамиз?

Сотарда айланиб, ўргилиб, ўпиб,
Қайтариб оларда ситгалаб, сўкиб.
Аёл деган номнинг оҳорин тўкиб,
Бозорга борамиз.

Сотлаб айланиб, растама раста,
Даста-даста пулни сарфлаб бир пасда,
Ўлсак, балки тушганда ҳам жаннатда
Бозорга борамиз.

Жаннатда рўзгорлар бут, жаннатона,
Ош-овжат, кийим-бош тайёр, шохона,
Биз унда нимани қилиб баҳона
Бозорга борамиз.

Эрни алдаб-сулдаб, ўпиб кўлини,
Юз баҳона билан олиб рулини
Тўзғитиб, сўлдириб, ниймон гулини
Бозорга борамиз.

Эркак олиб келса бирон бир нарса,
Айблаймиз: «Бозорни билмайсииз» дея.
Жаҳли чиқиб энди: «Ўзинг бор» деса,
Бозорга борамиз.

Ундан кўра десақ: «Раҳмат, азизим,
Мен сиздай яхшисин ололмас эдим,
Бекорга, сиз харид қилинг», демадим
Бозорга борамиз.

Бўни каранг оддий пиёз, картошка,
Шунчалар бежирим бўладими-а?!
Шунда эркак хурсанд бўлиб, дер: “Яна
Бозорга борамиз”.

Мабрифат шундайин ўсса, албатта,
Аёллар рўзгор деб, кўтармас халта,
Фақат ула-элик сотиб олишга
Бозорга борамиз.





МУНДАРИЖА

Сизга иший мактуб бор	3
Либос	8
Кенгуру	12
Юрт ва аёл айда биттик	16
Садаф	20
Яхши йигит	24
Захирадаги аэродром ёки ўндо айда масал	28
Онанинг пўписаси	33
Маслаат	36
Эшлагимга тўй келди	38
Нозик насиат	43
Мен матанар еч нарса йў	46
Набиралар тилидан	48
Касалхонада	48
«Вой-вой...»	48
«Келинг, келинг...»	49
«Чумолини ўлдирма...»	49
ИСТИЛОДАН АВВАЛ ЁЗИЛГАН ШЕРЛАР	
Она тили айда масал	50
МАШРАБОНА ОАНГЛАР	
Безаттин	54
Яшир	55
Ўтаверсин	56
ою авасимга	57
Биздан эмас	58
Дейин	59
Кирсин	60
Келтиринг	61
ЎШИЛАРГА АЙЛАНГАН ШЕРЛАР	
Ватанда	62
Ўзбетим, ўртгай	64

Иттижо	65
Ёшувдин	66
Иккин хотин	67
Бир кўртаним	68
Ака-ўкалар	69
Гуял	71
Ёшлар	72
Отлар	74
Шинданда	75
Ёшлар	76
аёл бўлса кимнинг онаси	78
О каттар	79
Уни бола	80
Дунёга энди келик	81
Нозорга борамиз	83

Адабий-бадiiй нашр

МАРҲАБО

(МАРҲАБО КАРИМОВА)

ОСМОНИМНИ БЎШАТИБ КЎЙИҢГ

Шеврлар

Мухаррир *М.Талипова*
Мусаххих *И.Турсунова*
Сахифаловчи *Б.Аббосова*

Нашр. лиц. А1 № 276 15.06.2015

Босишга рухсат этилди 21.09.2017 й. Бичими 84x108 1/32

Оффсет қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи 4.07. Нашр хисоб табоғи 5,7.

Адади 1000 нусхада. Буюртма № 1118.

«LESSON PRESS» МЧЖ нашриёти

100071, Тошкент ш., Камолон кўчаси, Эркин тор кўчаси, 13

“BUSINESS PRINT PLUS” МСНБ бошпахонасида chop etildi.

Toshkent shahar Chilonzor tumani

Sugallı ota 5 uy

1880

1881

1882

1883

1884

1885

1886

1887

1888

1889

1890

1891

1892

1893

1894

1895



ISBN 978-9943-4666-2-3
9 789943 466623